



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2020  
1/5**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**А.Р. МАРАХИМОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х. ШИРИНОВА** – фил.ф.д., проф.

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Ҳ. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2020**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

Abdusatorov Sh. Anʼanaviy milliy taomlardagi etnik va immunitaqaviy jihatlar (Fargʻona vodiysida yashoveli uygʻular misolida).....	3
Алтимардонов О. Некоторые аспекты народной дипломатии между Узбекистаном и Турцией.....	6
Ахмедов Т. Зарафшон музофоти бошлиги маҳкамаси фаолияти бўйича тафтиш материаллари таҳлили.....	10
Бадалов А. Фарғона водийси соғлиқни сақлаш тизими тарихида (XIX аср охири).....	14
Бўтаев Ж. Ўзбекистон миллий архивида Самарканд вилоятининг XIX аср иккинчи ярми–XX аср бошлари статистикасига оид фондлар ҳақида.....	18
Зийев Ш. Марказий Осиё давлатлари энг янги тарихини ўрганишга доир.....	21
Ибрагимов Р. Тошкент воҳаси шаҳар туридаги ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи босқичлари.....	24
Икромхонова Ф. Тарихий образлар ва уларни бадиийлаштириш.....	28
Исмаилов А. Амир Темур ва темирлийлар даврида илм-фан равнақи.....	32
Исмаилов Ф. Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалари (Европа иттифоқи давлатлари мисолида).....	36
Каттаева Г. Сополли маданияти яшис-лазурит тақинчоқлари. Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ бўйича аналоглари.....	40
Матқаримов Х. Юртимиз тарихининг номаълум томонлари (Хоразм воҳасида қадимги даврга тадқиқотларнинг тарихшунослиги).....	44
Мачин Г. Нуриддин Акромович Муҳиддинов – в овале (штрихи к политическому портрету).....	48
Машарипов Қ. Хориз тадқиқотларида Жалолиддин Мангуберди фаолияти ҳақидаги фикрлар ва қарашлар.....	58
Очилов Ф. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида пахтачиликнинг ривожланиши.....	62
Раҳимов Н. Хоразм халқ шўролар жумҳурияти тарихининг 1920-йилларнинг иккинчи ярми – 50 йилларда ўрганилиши.....	66
Ситтаров А. Миршайхда боғ яратган водийлик чўлуқларлар.....	70
Тоқиева Ф. Хива холиғида қўлчиликнинг мабдалари.....	74
Хасанов А. Қўқон холиғини тугатилишига оид фикрлар тарихидан лавҳалар.....	78
Эшқурбонов С. Сурхон воҳаси аҳолисининг деҳқончилигида “бободехкон култи” билан боғлиқ маросимлар.....	82

### Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология

Акрамова Х., Брезгунова И., Гайсенок В., Максимов С., Наумович О., Швайко В., Шоймардонов Т., Бўриев Э. Концепция эффективной межстрановой интеграции информационных пространств высшей школы: мотивы, цели и методы.....	86
Ongarov M. Talabalarning “Zoologiya” fanida olgan nazariy bilimlarini oʻquv dala amaliyotida qoʻllash va uning samaradorligi.....	89
Ahmadjonov X. Developing assessing skills of business english writing.....	92
Габажанов Р. Инсон капиталини ривожланишида таълим, жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти.....	95
Байрыева А. Вақиллик ҳокимиятининг моҳияти, ривожланиши ва жамият тараққиётидаги роли.....	100
Зайнабиддинов С., Маматоҳунов Ё., Каримбердиев У. Роль юмпютера при формировании самостоятельности учеников.....	104
Ибрагимова Н. Экологик халқсизликка мутасадди институтларни структуравий-функционал интеграциялаштириш вазибалари.....	106
Маҳкамова Ш. Интерактивные методы обучения, направленные на формирование коммуникативных умений и навыков при изучении языков движения.....	110
Махмудов Х. Forms and methods of formation of culture of free thinking at pupils of academic liceums and professional colleges at the lessons of social and humanitarian disciplines in extracurricula activities.....	113
Мирсолиева М. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг мутакомпаствелигини ривожлантириш.....	116
Mirajova F. Fan va taʼlimda virtual laboratoriyalar.....	120
Нурдидинов С. “Бир макон – бир йўл” ташаббуси давлатлар ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси сифатида.....	123
Nurmatova C. Mutolaa falsafasi.....	126
Нурматова Ш. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни омаквийлаштириш муаммолари.....	129
Разакова Р. Қизларнинг оилавий ҳаётга адаптацияси муаммоларини психология фақида ўрганишининг назарий асослари.....	133
Раҳимов А. Ҳанафийлик мазаҳбининг йирик назарийчиси.....	136
Ризокулов А. Таълимга киритилган инвестиция – келажакка киритилган сармоя сифатида.....	140
Садуллаев С. А.Шоленгизур қарашлари ва ҳиш философия аъшашлари ўрғисади и умумий ва фарқи жихатлар.....	144
Содиржонов М. Этник ўз-ўзига ҳослик шаклланиши жараёшларининг этносологиялик омилилари.....	147
Тўланбоев Ш. Муслимон ва Европа театрларининг Туркистонга тапғири ҳамда унинг ўлка маданий ҳаётига таъсири.....	150
Усманов М. Фалсафа ва мифологиянинг коммуникатив хусусиятлари.....	153
Хакбердиев Н. Кадрлар снсий маданият барқарорлигини таъминлаш зарурияти.....	156
Хидиров М. Эзотерик ва мифология тафаккурининг умумий алоқадорлиги.....	160
Нафасов Г. Элементар математикани ўқитиш жараёнида олий таълим муассасалари талабаларини когнитив компетенциясини ривожлантириш.....	163
Эргашев И., Собиров Д. Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши.....	168

### Филология

Ahmadjonov X. Developing assessing skills of business english writing.....	171
Бахриддинова М., Ўтанова Ш. Нутқ маданияти тенденцияларининг глобализация жараёнидаги ўрни.....	174
Baxriiddinova E., Noʻmonova S. Hissiy-ekspressivlikni ifodalovchi leksik va lisoniy birliklarni tarjima masalalari.....	178
Бердыева Ш. Документальный факт – как основа произведения.....	182
Гифарова З. Контекст ва матн муносабати.....	184
Дасилилова Х. Саёҳат жанрининг хусусиятлари (тарих ва таҳлил).....	187
Исламов Ў. Маданий тилга илмий ёндашув талқинлари.....	190
Исмаилов Ф. Хитой ва ўзбек тилларида лексик лакунар бирикларининг трансформацияси хусусида.....	194
Кучкарова Х. Эмомнавий алабиётшуносликда кичик насрий жанрлар.....	197
Маматқулов М. Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухро” достонида ташбих санъати.....	200
Маматова Ф. Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятига ҳос “опла” тулунчаси, унинг келиб чиқиши ва тарихига оид киёсий таҳлил.....	204
Махаммадиева Ю. Муҳаммад Раҳимхон Феруз газалларининг жанр хусусиятлари.....	208
Мирзакаримов М., Абсамов О. Мегалингвист атамасишиш тилшуносликка кириб келиши.....	212
Омонов Р. Снсий коммуникациянинг микроаражали назариялари.....	215
Розикова Г. Синонимлар тилимиз бойлигини кўрсатувчи восита сифатида.....	219
Содиқови З. Зулфиянинг фикрлари баъишининг шеърларида дарахт тисмоли.....	223
Tashpulatova Y. The formation of occasionalism: author's entities.....	226
Тўхтасинова П. Халқаро туризм терминологияси тулунчасининг моҳияти ва хусусиятлари.....	229
Убайдуллаева М. Ўзбек ва кирғиз мактаб дарсликларини киёсий таҳлил.....	232
Умарова Н. Турция нисмоний снгуедаги омашр тулунчаси лексик хусусиятлари.....	237
Хасанова Ф., Абдурахмонова Н., Анорбоева М. Тилшуносликда нутқий мақсад, композиция ва услуб нутқий жанрнинг асосий унсурлари сифатида.....	240
Шарипов Ф. Ўзбек тилида қўшимчаларнинг ўзига ҳос хусусиятлари.....	243
Юсунова Г. Соответствие художественного паратива и композиция в ракурсе когнитивного моделирования.....	247
Юсубова Р. Семантик ориентация мажозий тасвир рамзийлигига эришил воситаси сифатида.....	251
Yarmanov F. Maqollar tarjimasida xususida baʼzi mulohazalar.....	255



*Наврўбек РАХИМОВ,*

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси*

*ЎзР ФА Тарих институти мустақил изланувчиси*

*E-mail: [raximov.n\\_1990@list.ru](mailto:raximov.n_1990@list.ru)*

#### STUDY OF THE HISTORY OF THE PEOPLE'S REPUBLIC OF KHOREZM IN THE SECOND HALF OF 1920-50 YEARS

Abstract

This article analyzes the history of the people's Republic of Khorezm in the second half of 1920 - 50 years. The approaches and interpretations on the reflection of Soviet conceptions in scientific research of this period were scientifically analyzed. The article also covered the issues of the liquidation of the Khiva Khanate and the establishment of the people's Soviet Republic of Khorezm, and its activities, the ongoing reforms, the role of the Soviets in these reforms. In the article, these issues were analyzed comparatively and evaluated from the point of view of historiography.

**Key words:** Khorezm People's Soviet Respublika (KPSR) Uzbekistan SSR, Turkmenistan SSR, Russian Soviet Federative Socialist Republic, Karakalpak autonomous region, approach, Turkistan, "nationalist", history, value, national statehood, party.

#### ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ ХОРЕЗМСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ 1920-50-Х ГОДОВ

Аннотация

В данной статье анализируется история развития Хорезмской Народной Республики во второй половине 1920-х-50-х годах. В научных исследованиях этого периода был научно проанализирован подход и интерпретации к отражению советских концепций. В статье также освещались вопросы ликвидации Хивинского ханства и создания Хорезмской Народной Советской республики и ее деятельность, проводимые реформы, роль Советов в этих реформах. В статье эти вопросы были сравнительно проанализированы и оценены с точки зрения историографии.

**Ключевые слова:** Хорезмская Народная Советская Республика (ХНСР) Узбекская ССР, Туркменская ССР, Российская Советская Федеративная Социалистическая Республика, Каракалпакская автономная область, подход, Туркестан, "националист", история, ценность, национальная государственность, партия.

#### ХОРАЗМ ХАЛҚ ШҶРОЛАР ЖУМҲУРИЯТИ ТАРИХИНИНГ 1920-ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – 50 ЙИЛЛАРДА ҶРГАНИЛИШИ

Аннотация

Мазкур мақолада Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти тарихининг 1920- йилларнинг иккинчи ярми – 50 йилларда ўрганилиши таҳлил қилинади. Бу давр илмий тадқиқотларда совет концепциясининг ақс этиши тўғрисидаги ёндашувлар ва талқинлар илмий жиҳатдан таҳлил этилди. Шунингдек, мақолада Хива хонлигининг тугатилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил қилиниши, ва фаолияти, амалга оширилаётган ислохотлар, бу ислохотларда советларнинг рўли масалалари ёритилди. Мақолада ушбу масалалар қиссий таҳлил қилиниб, тарихшунослик нуқтаи назаридан баҳо берилди.

**Калит сўзлар:** Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти (ХХШЖ) Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси, Қорақалпоқ Автоном области, ёндашув, Туркистон, "миллатчи", ХКП тарихи, кадрият, миллий давлатчилик, партия.

**Қириш.** Бу йиллар ўзининг бир қатор жиҳатлари билан Совет даври тарихшунослигининг бошқа йилларидан бирмунча ажралиб туриб, ҳам ўзидан олдинги, ҳам ўзидан кейинги йиллардан анча сиёсий ва кескин бир даврга тўғри келиши билан характерланади. Аввало, бу даврининг дастлабки босқичида ХХШЖ муайян бир сиёсий тузилма сифатида тугатилиб, унинг катта бир қисми Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, қолган қисмлари эса Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси таркибидаги Қорақалпоқ Автоном области таркибига киритилиши натижасида ижтимоий-сиёсий ва маданий-иқтисодий ҳаётда бирмунча ўзгаришлар юз беради.

1920- йиллар бошидан то 1930- йилларнинг илк йилларигача кечган ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида ёш Совет давлати дастлаб ички ва ташқи кучларга қарши кураш, ўз давлат мафқураси бўлмиш коммунизм

ғояларини аҳоли орасида сингдириш, турли миллат ва элатларни битта давлат байроғи остида бирлаштириб, уларга хос миллий ва мафқуравий фарқликларни бартараф этиш, иқтисодий бухрондан чиқиш учун турли ислохотларни амалга ошириш, хусусий мулкни йўқотиб, жамоа хўжаликлари тузиш каби ишлар билан банд бўлиб, бу борада анчагина ютуқларни қўлга киритди. Бу йилларда янги тузилган иттифокдош республикалар ҳам янги турмуш тарзига ўтиш йўлида бир қатор чора ва тадбирлар амалга оширилиб, миллий манфаатлар йўлида айрим ютуқларга эриша борди. Бу каби ўзгаришлар таълим соҳасидаги ислохотлар, янги мактабларнинг очилиши, саводсизликни ёппасига тугатиш каби ишларда айниқса ўз ифодасини топди. Шунингдек, бу даврда аёлларнинг ҳақ-хуқуқлари тикланиши ҳам ўз даврининг илғор томонларини ўзида ақс эттирар эди. Фақат 30- йилларнинг ўрталарида келиб вазият тубдан ўзгарди. Совет давлатининг ташкил топишида хизмати сингган бир

катор етакчиларни рақиб сифатида кўра бошлаган СССР раҳбари И.В. Сталин бирин-кетин ўз сафдошларини йўқ қилиб, яққа ҳокимлик ўрнатди ва шу тариқа узок давом этган шахсга сиғиниш даври бошланди. Ўз навбатида Сталин сиёсатидан норози бўлган ёки ўз фикрига эга бўлган зиёлиларни душман сифатида билган ушбу Совет раҳбари ва унинг гумашталари Бутуниттифок бўйлаб катагон қилиш сиёсатини авж олдирди. Ўз халқининг тараққиёти учун жон қуйдирган ҳар бир зиёлига “миллатчи”, “ташки душманлар билан тил бириктирган буржуазия қолдиқлари” сифатида қаралиб, оммавий равишда қамокка олишлар ва сургунга юборишлар бошланди кетди. Бу машъум ҳолат Хоразм воҳасини ҳам четлаб ўтмади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** XXШЖнинг қурилишида фаол қатнашган, кейинчалик ҳам ўз халқининг тараққиёти йўлида эзгу ишларни амалга оширган юзлаб Хоразм фарзандлари жисмонан йўқ қилинди[1: – Б. 39-40; 43-44, 49-50, 57, 64-65].

Бу каби салбий ҳолатлар XXШЖ тарихшунослигида ҳам яққол ўз ифодасини топа бошлади. Тадқиқотларда 30- йиллардаги мафқуравий тазйиқлар остида большевиклар ва коммунистларни кўқларга кўтариш, миллий зиёлилар ва тараққийпарвар шахсларнинг хизматини камситиш каби иллатлар учрай бошлади. Бирок 30- йилларнинг ўрталаригача, яъни шахсга сиғиниш ва катагон йилларининг авж олишидан бирмунча олдин XXШЖ тарихшунослигида нисбатан илиқ муносабат бўлганлиги ҳам пайқалади.

Хоразм воҳаси тарихида энг катта ўзгаришлар бўлган бу йилларда ўз даври ижтимоий ҳаётида акс-садо бериб, бу борада кўплаб илмий ва публицистик мақолалар матбуот юзини кўрди. Улар орасида айниқса миллий чегараланиш ва унга маҳаллий аҳолининг муносабати, унинг халқ хўжалиги ва иқтисодий ҳаётдаги ўрни каби масалаларга эътибор қаратилди. Агар XXШЖ тугатилишининг биринчи йилидаёқ чоп этилган нашрларга назар ташласак, уларнинг катта бир қисмини миллий чегараланиш бағишланган мақолалар кўпчилигини ташкил этганига гувоҳ бўламиз[2]. Ушбу нашрларда янги ташкил этилган иттифокдош республикаларнинг аҳоли сони ва миллий таркиби бўйича бир қатор материаллар ўрин олиши баробарида Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССРда ўтказилган қурултойларда улар таркибига киритилган Хоразм воҳаси билан боғлиқ ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топган эди. Миллий чегараланиш даврида бир қатор камчиликларга йўл қўйилиб, маҳаллий аҳоли бундан қанчалик норози бўлишига қарамай жойлардаги коммунистик ҳокимият ҳудудларни янгидан маъмурий бирликларга тақсимлаш, яъни “районлаштириш” ишларини бошлаб юбордилар.

Шу билан бирга 1925 йилдаги нашрларнинг сезиларли бир қисмини ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, ирригация тизими ва пахтачилик соҳаси, бу борада олиб борилаётган ислохотларни ёритувчи мақола ва хабарлар ташкил қилганлиги кўзга ташланади. Бу пайтда инқилоб йиллари ва яхши режалаштирилмасдан амалга оширилган янги ислохотлар даврида йўл қўйилган камчиликларни тугатиш мақсад қилиб олинини натижасида анъанавий халқ хўжалигига эътибор қаратила бошлади[3]. Совет ҳукуматининг жойларда пахта етиштириш масаласини долзарб қилиб қўяр экан Хоразм воҳасига ҳам катта эътибор қаратгани, бу эса хомашё манбаи сифатида Чор Россияси даврида бу ер қанчалик муҳим ҳисобланган

бўлса, большевиклар даврида ҳам шундай аҳамиятини сақлаб қолганидан дарак беради.

Шунингдек, ўша йили Хоразмдаги маданий ҳаётга алоқадор айрим нашрлар ҳам чоп этилганига гувоҳ бўламиз[4]. Маълумки, Туркестоннинг деярли барча ҳудудларида бўлганидек, Ёш хиваликлар ҳам XXШЖни тузган дастлабки йиллардаёқ миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратган бўлиб, бу масалада айниқса анъанавий мусикий санъатга бўлган ёндашув алоҳида диққатга сазовордир.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Хоразм воҳаси тарихи бўйича бир қатор илмий изланишларни амалга оширган йирик Совет шарқшуноси В.В. Бартольд ҳам XXШЖ ва унинг кейинги ҳолати масалаларига бирмунча тўхталиб ўтади[5]. Совет ҳукуматининг илмий тадқиқотчиларни ўз мафқураси йўриғига бўйсундиришга қанчалик ҳаракат қилишига қарамай айрим истисноларни ҳисобга олмаганда В.В. Бартольд ва яна бир қатор етакчи олимлар ўз соҳасига содиқ қолган ҳолда тарихий воқеликларни имкон қадар реал ёритишга ҳаракат қилдилар.

20- йилларнинг охирига келганда ҳам Ўрта Осиёда амалга оширилган районлаштириш ишлари борасида эълон қилинган нашрларда Хоразм вилоятига анча-мунча эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз[6]. Асрлар давомида шакланган ва Хива хонлиги даврида ривожлантирилган ва XXШЖ даврида ҳам деярли кўп ўзгаришсиз давом эттирилган халқ хўжалигининг турли соҳалари, сунъий суғориш тизими, пахтачилик ва бошқа соҳаларда ўзгаришлар қилишни, хусусий ер эгаллигини тугатиб, улар ўрнида жамоа хўжаликларини режалаштирган большевиклар ва ушбу режимга хизмат қилган айрим зиёлилар, маҳаллий ҳукумат вакиллари ва партия ходимлари Ёш хиваликлар даврида режалаштирилган ислохотлардан фарқли амалиётларни жорий қилиб, ўзларидан олдинги даврни қораловчи бир қатор нашрларни амалга оширдилар.

1926-1927 йилларда чоп этилган нашрлар ҳам моҳиятан Совет давлатнинг манфаатига хизмат қилган ҳолда XXШЖ даврда амалга оширилган ислохотлар ва миллий зиёлиларнинг фаолиятдан кўра кўпроқ Қизил армиянинг воҳадаги фаолиятини ёритувчи ишларни фидойилик, халқ учун қайғурган, Ёш хиваликлар ва XXШЖ ҳукумати вакиллари эса қоралаш, Советларга қаршилиқ кўрсатган маҳаллий қучларни эса душман сифатида аҳолига тарғиб қилиш қучайгани сезилади[7].

Шу билан бирга, олдинги йилларда бўлганидек, 20- йилларнинг сўнгги чорагида ҳам Хоразм вилоятининг кишлок хўжалиги, сунъий суғориш тизими, дехқончилик ва иқтисод билан боғлиқ қатор соҳаларга бағишланган мақолалар ва статистик ҳисоботларнинг айримларида XXШЖ тарихига доир бир қатор маълумотлар келтириб ўтилади[8].

Ушбу нашрларнинг катта қисми ҳали ҳам рус тилида ёзилиб, уларда асосий эътибор маҳаллий халққа эмас, рус ва рус тилли большевиклар жамоасини янгиликларда хабардор қилиб бориш эди. Шунга қарамай, айрим нашрларда ўзбекча мақолалар ҳам эълон қилина бошлагани, уларда Хоразм воҳаси тарихи, шу жумладан, XXШЖнинг яқин ўтмишига тўхталиб ўтилгани диққатга сазовордир. Масалан, Б. Сағиев қаламига мансуб “Хоразм тўғрисида бир мулоҳаза” номли мақола шу мавзуда фикр юритилади[9].

Ушбу нашрларнинг катта қисми Хоразмнинг янги турмуши бўйича масалаларни қамраб олган бўлса-да, сезиларли бир қисми XXШЖ тарихини ёритувчи

материалларни ҳам ўз ичига олганлиги билан диққатни тортади. Шу билан бирга, бу йилларда Туркманистон ССРда чоп этилган қатор мақола ва хабарларда ХХШЖ билан боғлиқ материаллар ҳам ўрин ола бошлайди[10]. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Ёш Туркманистон ССРда миллий зиёлилар асосан мамлакат пойтахти Ашхобод ва республикадаги асосий йирик шаҳарлар бўлмиш Чоржуй ва Қўхна Урганчда фаолият юритиб, миллий туркман матбуоти эндигина шаклланиб келаётган эди.

**- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** ХХ асрнинг биринчи чорагидаги дастлабки тадқиқотлар Хива хонлигининг ағдарилиши, ХХШЖнинг ташкил топиши ва фаолияти, ХКП тарихи, бевоёсита, шу воқеалар ва жараёнларнинг иштирокчилари бўлганлар томонидан ёритилгани билан ажралиб туради. Чунончи, Г.Б. Скалов[11], А. Виноградова[12], К. Хромых[13] тадқиқотлари Хоразмдаги сиёсий кучларнинг 1919-1920 йиллардаги воқеаларда тутган ўрни, уларнинг ўзаро муносабатлари ва партиялар раҳбарларининг сиёсий қиёфасини ўрганиш имконини беради. Ушбу тадқиқотчиларнинг аксарияти ўз илмий ишларида ХХ асрнинг биринчи чорагида Хоразмда юз берган сиёсий жараёнларда большевиклар партияси, Туркистон советлари, Турккомиссия, Туркбюро, қизил армия, ХКПнинг тутган ўрни ва ролини сунъий равишда ошириб ва оқлаб кўрсатишади, улар томонидан амалга оширилган хунрезликлар, талончиликлар, ғайриқонуний ҳаракатлар хаспўшланиб, Хоразм «инкилоби», ХХШЖ, ХКПнинг тарихий тажрибасини жаҳон социалистик давлатларга, бутун Шарққа ўрнак қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади[14].

Совет даврида Хоразмнинг ХХ аср биринчи чораги тарихига оид турли тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, кўплаб монографиялар ва рисолалар нашр қилинганлигини таъкидлаш лозим[15]. Уларда асосий эътибор Хива хонлигининг сўнгги йиллари, Жунаидхон ҳаракати, Ёш хиваликлар фаолияти ва ХХШЖнинг тузилиши, Хоразм воҳасида коммунизм ғояларини ёйиш каби масалаларга қаратилган бўлиб, кўпчилик нашрларда ҳам хонлик тузуми, ҳам Хоразмда инкилобнинг амалга оширган миллий тараққийпарварлар фаолиятига салбий ёндашув кўзга ташланади. Айниқса, ХХШЖнинг барпо этилиши ва ушбу республикани ривожлантиришда илғор ғоялар ва ислохотларга таянган маҳаллий ҳукумат вакиллари ва зиёлиларни коммунистик жамият қуришда сусткашлик қилгани, эскилик сарқитларини сақлаб қолишга интилиб, миллатчиликни авж олдиргани каби ёрликлар ёпиштирилиб, воҳада янги давлат қурилишида асосан Марказда юборилган коммунистларнинг роли ошириб кўрсатила бошлагани сезилади.

Шу билан бирга, 20- йилларнинг иккинчи ярми – 30- йиллар давомида чоп этилган бир қатор нашрларда ҳам ХХШЖ билан боғлиқ яна бир қатор мақола ва хабарларга кўзимиз тушади[16]. Уларнинг бир қисмида асосий эътибор ТАССР, ХХШЖ ва БХСРдаги сўнгги ўзгаришлар, хусусан, миллий озодлик ҳаракатлари, большевикларга қарши қуролли ҳаракатларга бағишланган бўлиб, даврий матбуотда ушбу ҳаракатга нисбатан “босмачилик” ёрлиғи ёпиштирилган ҳолдамаҳаллий аҳоли орасида уларга нисбатан салбий қарашларни шакллантириш ғояси устуворлик қилгани сезилади.

1930- йиллар давомида ХХШЖ бўйича бир қатор мақола, ҳабар ва хотиралар нашр этилди. Биргина 1930 йилдаги нашрлар кўламига назар ташласак бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин[17]. Ундан кейинги йилларда эса бу

нашр ишлари анча камайгани кўзга ташланади. Ҳар ҳолда бу ҳолат шахсга сиғиниш ва тобора мафқуравий таъйиқларнинг кучайиши билан боғлиқ эди.

1930-1940 йиллар орасидаги совет тарихшунослиги билан танишиб чиқсак, улар орасида ХХШЖ тарихи билан у ёки бу даражада алоқадор нашрларнинг салмоғи ортгани кўзга ташланади[18]. Улар орасида 1920 йилда ХКПнинг биринчи қотиби бўлиб ишлаган ва ХХШЖда бўлиб ўтган тарихий воқеаликларнинг тўғридан тўғри гувоҳи бўлган А. Акчуриң[19] томонидан эълон қилинган ишлар алоҳида ажралиб туради[20].

1950- йилларга келиб ХХШЖ тарихи бўйича илмий тадқиқотлар ҳам олиб борила бошлаганига гувоҳ бўламиз. Улар орасида М. Абдуллаев, Непесовларнинг изланишлари[21] алоҳида ажралиб туради. Айниқса, М. Абдуллаевнинг “Хоразм Халқ Жумҳуриятининг ташкил топиши ва унинг таракқиёти (1920-1924 йй.)» номли номзодлик иши ўзбек тарихшунослик фанининг илк тамал тошларидан бири эди.

#### **Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations).**

Хуллас, Совет даври тарихшунослигининг илк босқичида амалга оширилган тадқиқотларда ХХШЖ тарихига мафқуравий ёндашув, синфий қурашни бўрттириб кўрсатиш ва бирёқлама ёритиш устуворлик қилиши билан бирга бу давр тадқиқотлари илк изланишлар бўлгани ва масалани изчил ёритганлиги, шунингдек, манба вазифасини бажариши билан амалий аҳамиятга эгадир. Айниқса, совет даврининг илк ўйилликларида яратилган тадқиқотларнинг бир қисми воқеликларга бевоёсита гувоҳ бўлган ёки улар билан суҳбат қилган изланувчилар қаламига мансуб бўлиб, улар нафақат тарихшунослар, балки манбашунослар учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Шунингдек, бу давр тадқиқотларининг айримларида масалага холисона ёндашилгани, совет даврида йўл қўйилган хато ва камчиликларни иложи борича кўрсатишга ҳаракат қилингани ҳам кўзга ташланади. Бундан ташқари, ХХШЖ бўйича амалга оширилган изланишлар ўзининг кенг қамровлиги, даврий матбуот ва архив материалларидан кенг фойдаланилгани билан диққатга сазовордир. Бу даврда масалага нафақат тарихшунослик нуқтаи назардан ёндашилди, балки мавзу бадий адабиётда ҳам ўз ифодасини топиб, бир қатор тарихий роман ва хикоялар яратилди.

ХХШЖ ҳукумати аъзолари, умуман олганда, Хоразм воҳаси зиёлилари орасида мавжуд бўлган сиёсий ва мафқуравий қарашлар таҳлил қилинганда, бу масалада аҳолининг турли гуруҳ ва тоифаларида фарқлиқлар бўлгани аён бўлади. Хусусан, ХХ аср бошларида дунё бўйлаб кенг ёйилган миллий озодлик қурашлари ва миллий ўзликни англаш Хива хонлигини ҳам четлаб ўтмади. Хонлик ўша даврдаги сиёсий вазият ва географик жиҳатдан “нисбатан четроқ ўлка” бўлиши ҳамда жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан бирмунча узоқ бўлса-да, хоразмлик маърифатпарварлар дунё воқеликларидан хабардор бўлишга интидилар. Хоразмлик зиёлилар бир томондан Россияда кечаётган инкилобий жараёнлар билан бирга узоқ ва яқин хорижда, хусусан, Усманийлар салтанати, Эрон ва Афғонистондаги мафқуравий ўзгаришларга бефарқ бўлмадилар. Шунингдек, қўшни Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият ва мафқуравий ўзгаришлар, жадидчилик ҳаракатлари Хива хонлиги зиёлилар учун катта таъсир қилди. Хуллас, ХХШЖнинг

ташкил топишида ҳам ички стимул, ҳам ташки таъсирларнинг ўрни бўлганини айтиб ўтиш зарур.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ирзаев Б., Раҳмонова Ю. Хоразм вилояти хотира китоби. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б. 39-40; 43-44, 49-50, 57, 64-65.
2. Доклад центрального Исполнительного Комитета Советов Узбекской Социалистической Советской Республики. Самарканд, декабря 1925 г. – С. 92; Зарубин И. Список народностей Туркестанского края. Л. Акад. Наук. СССР, 1925. с. 24.
3. Протоколы IV Совещания Ликвидационной Комиссии по делам Туркхлопка, Буххлопка и Хорхлопка с заведывающими районными конторами и хлопко - заводами с 18 по 22 февраля 1925 года Ташкент, 1925, с. 130
4. Раҳмонов М., Девонов М. Хоразм музика тарихчиси. Москва, 1925.
5. Бартольд В. Будущее Туркестана и следы его прошлого // Извест. Средаэкометариса, В. 1, Ташкент, 1926. – С. 66-69; Бартольд В. акад. Иран. Исторический обзор. Ташкент, 1926. – С. 122; Бартольд В. История культурной жизни Туркестана, Ленинград, 1927. – С.
6. Магидович И. Административное деление Хорезма, население // Материалы по районированию Средней Азии, кн.2, Территория и население Бухары и Хорезма; ч.2, Хорезм. Ташкент, 1926. – С. 29-115;
7. Материалы по районированию. // “Материалы по районированию Средней Азии. Кн 2, Территория и население Бухары и Хорезма.ч. 2, Хорезм, Ташкент, 1926.с. 90; Материалы по районированию Узбекистана. Вып. II. Список населенных пунктов. Под ред. ЦСУ УзССР. Книга 1 округ Хорезм. Самарканд, 1926. – С. 45; Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 2. Хорезм-1. 1926. – С. 141; Новый Ургенч. – С. 40, 85-86.
8. Козловский Е. За красный Туркестан. Ташкент, 1926. – С. 103; Миронов А. Организационная, научная и практическая деятельность Средаэкометариса (быв.Турккометариса) за пятилетие его существования. // Извест. Средаэкометариса, №1, 1926. – С. 18–42
9. Сагиев Б. Хоразм тўғрисида бир мулохаза // Маориф ва ўқитувчи, 1927, №7-8.
10. Рафес П. Некоторые данные о туркменах мейли (мехилли) // Новый Восток, № 19. – Москва, 1927. – С. 261–262.
11. Скалов Г.Б. Хивинская революция 1920 года. // № 4. Новый Восток, 1923. 25 с.
12. Виноградова А. Хорезмская Советская Народная Республика. // Жизнь национальностей, 1923, кн.1.
13. Хромых К. Создание фронта в Средней Азии. Хорезмская Республика. // Военная мысль, 1920, №1.
14. Гордиенко А. Создание народно-советского государства и права и их революционно преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. Ташкент: САГУ, 1959.
15. Алексеенков Л. Хивинское восстание. 1916. Ташкент, 1930; Непесов Г. Великий Октябрь и победа народных советских революции в Северном и Восточном Туркменистане – Ашхабад: Туркменгосиздат, 1958; Он же, Из истории Хорезмской революции. Ташкент: Узбекистан, 1962; Саматова Х. Победа народной революции в Хиве // Ученые записки юридического факультета САГУ. Вып. III. Ташкент, 1957; Турсунов Х. Коммунистическая партия Туркестана, Бухары и Хорезма в период национального государственного размежевания в Средней Азии. Ташкент: Госиздат УзССР, 1957; Саматова Х. Победа народной революции в Хиве // Ученые записки юридического факультета САГУ. Выпуск III. Ташкент, 1957; Гордиенко А. Создание народно-советского государства и права и их революционно преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. Ташкент: САГУ,1959; Коммунистические партии Туркестана, Бухары и Хорезма в период национального государственного размежевания в Средней Азии. - Ташкент: Госиздат УзССР, 1959.
16. Виткинд Н. Материалы к библиографии истории гражданской войны на Советском Востоке. Москва, 1934. – С. 58–71; Виткинд Н. Сюнчелей. – С. Литература по нацразмежеванию среднеазиатских республик. // Революционный Восток, 1934, №6. – С. 234–243; Березин К. Гражданлар урушининг тарихи тўғрисида. Тошкент, 1935; Игнатов В. Каракалпакия на социалистическом пути // Революционный Восток, 1935, №2. – С. 71–95.
17. Преображенский П. Разложение родового строя и феодализационный процесс у туркмен-иомудов, // Этнография, Москва, Ленинград, 1930, №4. – С. 11–28; Сборник статей к десятилетию. Бухарской и Хорезмской революции (Воспоминания участников...) Ташкент, 1930. – С. 83; Чепрунов Б. Поход Джунгаидхана на Турткуль. “К десятилетию Бухарской и Хорезмской революции” китобида. Ташкент: Госиздат, 1930. - С.3-61.
18. Драбкина, Е. А. Национальный и колониальный вопрос в царской России, Москва, 1930. – С. 133–144; Карпов Г. Хивинские туркмены и конец Кунградской династии. Ашхабад: Туркм. госиздат, 1930; Алексеенко П. Что такое басмачество. Ташкент: Узбекгосиздат, 1931; Шестаков А. 15-летие восстания в Средней Азии. Москва, 1931; Алексеенко П. Что такое басмачество. Ташкент: Узбекгосиздат, 1931, с. 92; Шестаков А. 15-летие восстания в Средней Азии. Москва, 1931, с. 40;
19. Туркистан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости – Тошкент. Шарк 2000, – С 616
20. Акчурин А. Воспоминания о двадцатом годе в Хиве и в Бухаре. // Сборник статей к десятилетию Бухарской и Хорезмской революции, Ташкент, 1930. – С. 23–62;
21. Абдуллаев М. Образование Хорезмской Народной Советской Республики и основные этапы ее развития (1920–1924). Автореферат кандидатский диссертации. Тошкент, 1950; Непасов Г. Победа Советского строя в Северном Туркменистане (1917-1936 гг.) Ашхабад: Туркменгосиздат, 1950. -158 с.